



Хозирги ўзбек хикоя ва киссачилигида Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмухаммад, Собир Ўнар, Абдуқаюм Йўлдош, Назар Эшонкул, Улугбек Хамдам, Зулфия Куролбой кизи сингари ижодкорлар калам тебратишмоқда. Улар яратган хикоя ва кисса намуналари ҳам услуб, ҳам шакл жихатидан ўзгариб бормоқда.

Хусусан, ўзбек хикоячилиги икки хил услубий йўналишда ривожланаётганлигини кузатиш мумкин: анъанавий реалистик ва модернистик. Замонавий ўзбек ёзувчилари устоз ўзбек хикоянависларининг, шунингдек, жахон хикоячилиги ижодий тажрибалари билан, рамзий-мажозий образлар ва услуб жихатдан Гарб адабиётига хос модернистик шакл ва усуллардан кенг фойдаланишиб, хикоячиликда янгича бадиий-эстетик янгиланишлар яшашмоқда. Уларда қахрамон рухиятига янада чуқур кириш, бадиий психологизмнинг янгича тасвирий воситалари бўлган адабий галлюцинация, иллюзия сингари тасвирлар, янгича рамзий-психологик тимсоллар яратиш, хатто ёзувчи фантазияси билан яратилган бадиий-романтик тўқима образлар талқини ҳам учрайди.

Шу маънода, сўнгги ўн йиллик ўзбек хикоячилигида Хуршид Дўстмухаммаднинг “Беозор кушнинг қаргиши”, Собир Ўнарнинг “Чамбилбейнинг ойдаласи”, Назар Эшонкулнинг “Ялпиз хиди”, Абдуқаюм Йўлдошнинг “Бир тун ва бир умр”, Улугбек Хамдамнинг “Ўзокдаги Дилнура” номли кисса ва хикояларидан жамланган китоблари эътиборга лойик.

Бинобарин, Хуршид Дўстмухаммаднинг “Жим ўтирган одам” хикоясида битта илмий институтда қирк йил хизмат қилган олим – Курбоналининг ҳаёти, хусусан, унинг писмик характери, яъни, кўриб, билиб туриб, билмаганликка олиш каби жамиятимизда кун кечираётган шахсларга хос лоқайдлик ижтимоий салбий илллати бадиий муҳокама этилади. Хикоя қахрамони Курбонали, аслида, ҳаётининг биринчи қисмида ботир, гапга чечан эди. Аммо ҳаётининг иккинчи қисмида худди отаси каби, падари васият этиб кетганидек, тилига қулф солиб, жим яшайди. Бинобарин, Курбоналининг одамови, ажабтовур характери хикоя матнида муаллиф ўз баёни воситасида шундай тасвирлайди: “Китмирлигим, писмиклигим тутганида у ҳеч бир мўминнинг етти ухлаб тушига қирмаган қилиқларни ўйлаб топади. Дейлик, уйдан чиққач, рўпарасидан таниш-билиш яқинлашаётганини кўрган захоти кўзини чирт юмиб, йўлида давом этаверади. Йўл беш қўлдай маълум – на қоқилади, на суқилади. Бетма-бет келган таниш эса хайрон саломлашайми-йўқми, дея бир қарорга келгунича Курбонали бекатга етиб улгуради. Қилигидан ўзи мутаассир бўлиб мириқиб ... ичида қулади. Ҳа, бу инсон ичида

кулиб, ичида қувониб, ичида хуноб бўлишни, нимаики бўлмасин, барини ичига ютиш санъатини мукамал эгаллаган”. Хикояда баён этилаётган онаси вафоти билан ўтказилган Илёсвойникидаги (Курбоналининг кўшниси) худойи маърака, таъзияга келган чолларнинг гурунги, бу бахсга ўзгача талкин берган номаълум шахснинг деярли хар куни хикоя қахрамони олдидан чиқиб, маъракадаги воқеани эслатиш орқали, гўёки, рамзий маънода, жамиятда олимлик макomini олгану аммо одамийлик макомига эриша олмаган Курбоналининг фожиавий ҳаёти муҳокама этилади. Курбонали хар куни кутилмаганда олдидан чиқиб, маъракадаги воқеани эслатувчи бу кишини “Кимсан” деб атайдди. Бизнингча, ёзувчи бу образга хикоя қахрамони Курбонали тили ва нигоҳи билан “Кимсан” деб исм берар экан, мазкур ифодада ҳам хикоянависнинг муайян бадиий максaди ниш бериб турибди. Назаримизда, Кимсан образи хикоянинг бош қахрамони Курбоналига, унинг бутун бошли ҳаётига, ҳаётини аъмолига, қирқ йиллик илмий фаолиятига “Сен ўзи кимсан?”, “Бу дунёда яшаб, умринг поёнига етганида ўзингга савол бериб кўр-чи, сен нимага интилинг? Нимага эришдинг? Нимани ютқаздинг?” – деган бир қатор залворли саволларни ўртага ташлаётгандек таассурот уйғотади. Демак, Кимсан хикоя сюжетини ва унинг муҳим композицион ғоясини шакллантирувчи аниқ максaдли, мантикли образ саналади.

Шу боис, хикояда атай ўйлаб топилган топилдик образ “Кимсан” асар бадиий ғоясини очишда очкич ҳисобланади. Кимсаннинг лукмали гап-сўзларидан, чунончи, “жим ўтирган одам энг хавфли одам”, деган ҳукм-хулосасидан сўнг, Курбонали оёғи куйган товукдек типирчилаб, виждони азобда қолади. Курбонали қандай фан соҳаси билан шугулланган, қандай илмий қашфиёт қилди қаби тафсилотларга ёзувчи мутлақо тўхталмайди. Асарда илгари сурилаётган иккита муҳим ғоя ўсимликнинг ўк томири сингари кўриниш бериб турибди. Биринчидан, Курбонали ҳаёти мисолида: “Олим бўлиш осон, аммо одам бўлиш қийин”, деган жайдари бир халқона фалсафа кўрсатиб берилади.

Хуршид Дўстмухаммад хикоя қахрамонлари исмига (Курбонали, Кимсан, Куролбой, Тўлаш тараша, Илёсвой, Одилхон ювош) ва маъракадаги: “Илмли киши қандай хусусиятларга эга бўлмоғи лозим?” деган бахсли мунозарага ҳам миллий, ҳам фалсафий-рамзий маъно юклайди.

Энг муҳими, хикояда миллатнинг тили қулф бўлиб қолишига сабаб бўлган шўро даври, ҳатто ўз дини ва эътиқодини баралла айта олишдан ҳам кўрқадиган халқ фожиаси Курбонали ва унинг отаси ҳаёти мисолида ва институт раҳбари гап-сўзлари орқали бадиий тасвирда акс эттирилади. Таъмирталаб бўлиб қолган идоранинг зинаси Курбоналининг ташаббуси билан цемент қилинади, сўнгра, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришдан сўнг оддий цемент зиналар томигача мрамрдан қилинади. Мазкур тасвирларда, хусусан, Курбоналининг идорадоши Одилхон ювошнинг қуйидаги гап-сўзлариданок, зиёли шахсининг нақадар қашшоқона ҳаёт кечираётганидан воқиф бўламиз: “– Курбон ака, – деди кўзини чимириб. Кўзойнагига кўрсатқич бармоғини нуқди. Сўнг ғоятда маҳфий янгиликни ошқор қилаётган одамдек, бўзрайиб туриб шипшиди: – Зина қолиб, девору томларгача мрамр қоплаиб кетдию, саккиз йилдан бери ойнақни бутлолмайман!..” Жамиятда чиройли, замонавий бинолар қад ростлаши ва улар, шубҳасиз, инсониятга хизмат қилиши давлатнинг тараккий этганлигидан нишона. Аммо ишхонадаги мрамр зиналарнинг совуқлиги, ялтироқлиги ва тойғоқлиги сингари инсон ҳис-туйғулари ҳам совуқлашиб, бадбинлашиб, одамовилашиб кетмоғи асло ижобий хусусият эмас. “Жим ўтирган одам” хикоясидаги иккинчи ўк қизик – мрамр зиналар қайсидир маънода хикояда инсонларга хос “усти ялтироқ, ичи қалтироқ”

инсонларнинг рамзий тимсоли маъносини бадиий ифодалаган.

Замон кундан-кун шиддаткор, янги ахборот технологияга, янги маълумотларни тез ўзлаштириб, жадал ҳаётга татбиқ эта оладиган уддабурон ёшларга, шахсларга мухтож. Энди бундай тезкор жамиятда Одилхон ювош сингари шахслар яхши ҳаёт кечиришга кодир эмас. Чунки тузум, жамият ва замона зайли ўзгарди. Хикоя қахрамони Курбонали Одилхон ювошнинг кўли калталиги сабабини замонадан эмас, ўзидан кўради:

“Кўзойнагинг дарз кетибди-ю, мабодо кўзинг ситилиб оксаям аравангни ўзинг, ўз кўлинг билан судрайдиган замон келганига канча бўлди, сўтак! Эпласанг – судра аравангни, кўчани бошингга кўтариб судра, эпламасанг – эгамнинг даргоҳи бепоён!..”

Курбоналининг ички монологи оркали ифодаланган фикрларидан аён бўлмоқдаки, у замондан орқада қолиб кетган қолоқ одам ҳам эмас, у фикрлай олади, баҳолай олади, лекин дилидаги гапини тилига чиқармайди. Унинг энг катта нуқсонлари шу. Зеро, юқоридаги қахрамон ички монологидан у саккиз йилдан бери дарз кетган кўзойнагини янгилай олмаётган касбдошининг шундай юришига эътироз билдириб: “Эпласанг – судра аравангни... эпламасанг – эгамнинг даргоҳи бепоён!..” – дея Одилхон ювошни ўлимга маҳкум этиб, уни аёвсиз танқид этади.

Бесуяк тили тўфайли Курбоналининг беғуноҳ отаси икки мартаба камалиб чиққан. Шу боис, отаси калбига чўккан кўркув ваҳимаси, оғиз ичидаги бир парча этни душман сифатида талқин этиш принципи бора-бора фарзанд юрагини ҳам забт этади. Гўёки, кўркув – наслий-ирсий касаллик қаби авлоддан-авлодга ўтиб, забонсизлик, тилини ичига ютиб яшаш санъатини эгаллаган қахрамоннинг оилавий шажараси кўз олдимизда гавдаланади.

Курбонали эҳтиёткорликда, тилни беҳуда валдиратмасликка шу даражада берилиб кетадики, натижада, у одамови, инсоний сифатлардан маҳрум бўлиб қолган аянчли киёфага тушиб қолади. Адиб Курбонали образини сатирик образ даражасига олиб чиқиб тасвирлайди: “Бундай дамларда Курбонали ич-ичидан хохлаб қолади. Қолади-ю, сиртига чиқармайди, шундай шодумон ҳолатида ҳам қоғоғи солиқ, сипо, вазмин ва беозор киёфасига содиқ қолади. Киёфа қанчалик тўнг бўлса, ҳуда-беҳудага гаплашаверадиган, отамлашаверадиган қимсалар шунча қамаяди. Курбонали елимдек ёпишқоқ таниш-нотанишлардан етти газ нари юради...” Мазкур психологик портретда Хуршид Дўстмухаммаднинг қахрамон рухий ҳолатини маҳорат билан акс эттиришда, ҳажвий наср ва сатирик образ яратишда рус ёзувчилари Гоголь, Чехов ҳамда таниқли ўзбек адиблари Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад сингари хикоянависларнинг ижодий тажрибалари унга қўл келганлиги яққол сезилиб турибди.

Курбонали бесамар ҳаёти натижасида, “махалланинг сўписи” даражасигагина чиқа олган оддий олим, у бурнининг тагидан нарини кўра олмади. Аслида, олим шахс дунё илмидан, дунё афкор оммаси қизиқаётган муаммолар билан қизиқа олиши, улар билан баҳслашиши, жуда бўлмаганда, улар даражасида фикрлай олиши лозим эди. Адиб Курбоналининг ҳаш-паш дегунча ўтиб кетган бесамар умри мисолида, бугунги кун зиёлисини жадалроқ меҳнат қилишга, фақат тор доирада эмас, хориж илмини ҳам эгаллаш даркорлигини уқтираётгандек ҳиссиёт уйғотади.

Хикояда Қимсан, мрамор зина, телехронитель қаби сўзларга ургу бериб борилаётган экан, шулар орасида, Курбоналининг шахсий кўрикчиси бор, деган гумонларга бориб қолган ҳаммаслақларнинг гап-сўзларидаги иккинчи тағмаъноли сўзни уқиб олишимиз мумкин. Бу, аслида, мустамлақа шароитида яшаган ўзбекнинг ўтмишига ишора. Қахрамон исмининг “Курбонали” деб аталишида ҳам аниқ бадиий-эстетик мақсад кўзланганлиги

муқаррар.

Кузатганимиздек, Хуршид Дўстмухаммад хикоясида каватма-кават маъно мавжуд, шунга кўра, адиб ижодини полифоник бадиий тафаккурга эга, дейиш мумкин.

Адабиётшунос Баходир Саримсоков метафора, метафорик образнинг назарий табиати ва хусусияти хақида тўхталиб, ўзининг “Бадиийлик асослари ва мезонлари” китобида шундай фикрни келтиради: “Бадиий асардаги кечинма шиддатини ошириш метафорик образга хос. ...Метафора ижодкорнинг у ёки бу нарса, воқеа-ходисага нисбатан ўзининг салбий муносабатини тўғридан-тўғри ифодалаш учун ҳам хизмат этади”.

Олимнинг фикрларига кўшилган холда, ёзувчи баъзида бадиий асарда акс эттираётган образни номлашда факатгина салбий муносабатини ифодалабгина колмай, холис ва очик-ошқора муносабатини ифодалаш мумкинлигини таъкидламоқчимиз. Лекин, барибир ҳам, Баходир Саримсоков тўғри таъкидлаганидек, метафорик образда асосан салбий муносабат мужассам топади. Хуршид Дўстмухаммаднинг санъатга, хақикий ижодга муносабати “Нусхакашнинг меросхўри” хикоясида жуда ёркин ифодаланган. Хикоя қахрамони рассом бутун умр портрет жанрида ишлаб, ижодини тирикчилик манбаига айлантиради. Натижада, у оддий нусхакаш бўлиб қолади. Қахрамоннинг исмига айланган “нусхакаш” сўзи мазкур хикоядаги метафорик кўчим тарзида ифода топиб, ёзувчининг очик-ошқора муносабатини ўзида намоён этиб турибди.

Шунингдек, Собир Ўнар ва Абдуқаюм Йўлдош хикоялари, асосан, анъанавий реалистик услубга қурилган бўлиб, уларда маиший, маънавий-ахлокий, ижтимоий муаммолар етакчилик қилади. Чунончи, Собир Ўнар “Тарвуз” хикоясида маиший ҳаёт лавҳаларини баён этиш орқали, инсоннинг тубанлашувини, хақикий дўстлик, инсонийликдан кўра, пул-мол-дунёни афзал кўрувчи Худойкул образининг хатти-харакатлари, руҳияти орқали очиб беради. Хикояда тарвуз – психологик рамз воситасини ўтаган. Омондавлат дўстининг уйига тарвуз кўтариб келади, Худойкулнинг пулдор дўстлари келганда, дастурхонга тарвуз тортилиши, ахлатхонага тарвуз чиқариб ташланиши барчаси узвий равишда боғланиб, хикояда муҳим бадиий гоёни ифодалашга хизмат этган.

Назаримизда, Худойкул, аслида, ўзининг манфур, ташки жихатдан ялтирок, аммо ичи калтирок кифоаси билан тарвузнинг ташки холатини эсга солади. Тарвуз силлик, ялтирок, олачипор бўлганидек, Худойкул, табиати ҳам жамиятда ҳар қандай ишни пул билан силлик битказадиган, хислари тўмтоқ, дагал инсоннинг рамзий тимсоли, дейишимиз мумкин.

Хуршид Дўстмухаммад “Сўрок” киссасида бош қахрамон Бозорнинг адабий галлюцинацияга учраган жараёни ва саргузаштли ҳаётини ифодалаш орқали, маънавий-ахлокий, шунингдек, виждонан ҳалол йўл билан ҳаёт кечириш сингари ижтимоий муаммоларга жиддий ургу беради. У учар ликопчалар билан боғлиқ саргузаштлари, сўнгра, восвос бўлиб қолиши натижасида, бутун кишлок ва раҳбар ходимлар юрагига ваҳима солади. Мазкур киссада ўзбек халқ эртақлари анъаналари ва фантастика элементлари ажиб бир тарзда бирикиб кетган. Колаверса, Хуршид Дўстмухаммад хикоя ва киссаларида 60-70-йилларда нашр этилган кўплаб назарий адабиётларда қайд этилган ички монологнинг бадиий-гоёвий жихатдан монолог-муҳокама, монолог-хотира, монолог-кечинма турларидан ташқари, монолог-орзу, монолог-тафтиш, монолог-хаёлий-сухбат турлари ҳам учрайди. Худди шу холатни биз Улугбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”, Назар Эшонкулнинг “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб” киссаларида ҳам кузатдик. Зеро, адабиётшунос олимлар ёзувчи ва шоирларимиз яратган бадиий адабиёт намуналари структурасини кузатиш ва

ўрганиш натижасида, адабий тур ва жанрларнинг, асар композицияси, услуб, ёзувчи дунёкараши ва маҳорати хақида қонун-қоидалар яратлади. Бу назариялар осмондан олиб яратилмайди, балки адиблар яратган гўзал муҳдалар илмий мулоҳазалар юритишга туртки беради. Демак, адабиётшунослик, бадиий асарнинг қонуниятлари хақида фикр юритар экан, реал бадиий асарлар асосида, муайян ҳулосалар чиқаришга асос беради. Назар Эшонқул “Момоқўшиқ” киссасида: “Инсон учун ҳаётда нима муҳим? Аёл бахти нимада?” – деган бадиий-фалсафий муаммони ўртага ташлайди, Муаззамнинг ҳаёти мисолида бу саволларга жавоб топади. Кисса марказий қахрамони – Шамси Салохнинг хою ҳавасларга, ҳашамларга, машҳурликка ўчлиги нафакат қийинишида, гап-сўзларида, хатти-харакатларида динамик тарзда акс эттирилади. Киссада, айниқса, Муаззам билан боғлиқ бадиий тасвирларда лирик-романтик услуб етакчилик қилади. Тасодифан Муаззамнинг аллаловчи, сеҳрловчи гўзал кўшигини эшитган тўртта хашарчи (Шамси Салох, Исмоил Али ва икки актёр) хақиқий санъат соҳибининг иқтидорига гувоҳ бўлиб қолишади. Муаззамнинг хатти-харакатлари, ташқи кифоасини ёзувчи кўчим турлари метафора, метонимик кўчим воситалари билан ифода қилади, тасвирда янада оригиналликка эришиш мақсадида ўхшатиш, жонлантириш, истиора каби тасвирий воситалардан унумли фойдаланади. Чунончи, адиб Муаззамнинг эркин ва озод кўшиқ қуйлашини осмонда ўқиб юрган қўшқарга ўхшатади. Аёлнинг сеҳрли овози эса ҳаётда тоза, бегубор, самимий болалиқни ёдга солади. Қуйидаги бадиий тасвирга эътибор қаратсак: “Унинг қизил қўйлаги югураётган пайтда ростдан ҳам олислардан қелаётган қеманинг алвон елканига ўхшаб, қилқираб қетарди”. Бир қарашда, бу жуда нотабиий метафорик кўчим бўлиб қўринади. Лекин иккинчи тарафдан, хақиқатан ҳам узокдан қўзатиладиган қизил қўйлақ қийиб югураётган аёлнинг хатти-харакатлари қизил алвонли қемага ўхшатилиши қўнғилда ҳеч қандай эътироз уйғотмайди. Аксинча, янгича бадиий ифодадан қўнғил галати тарзда қоникади. Киссада, айниқса, Шамси Салох руҳияти билан пейзаж тасвири, ниҳоятда, бир-бирига уйғун ва мутаносиб акс эттирилганини қўзатиш мумкин. Чунончи: “У саргайиб қолган қарғилари дув тўқилаётган қарағачлар орасидан қўриб қорарди. Қўёш аллақачон қотган, уфқда қизил шафқат ёнарди. Оёқ остида қўрқин қовдалар қарс-қурс қинар, қонда қарғи ва қўрқин қонди қонқирди.

....Қали қўзқинг қарми қам ўтқаман бўлса-да, қон қида ва қонга туташ қайсақорда қарғилар тўда-тўда бўлиб изқиб қўриқарди ва қар-қар дамда қимадандир қўчишқандек қалвасали қониллаб қўйиқарди. Салохнинг қўраги қирдан қўрага қўриб қетди, қарғилар қарқат қабристондагина шундай вақимали қониллашади. У қонқонлардир қимнингдир қнояти билан қкилган қўжум қарақтининг тақидан ўтар экан, бўйнига қарс этиб қимадир тушди ва қўйлаги қиқига қизиб қета бошлади”. Шамси Салохнинг қалби оёқ остида қарс-қурс қинаётган қовдалар қабри синик, ёйинқи, қарғилари дув тўқилган қарақт танаси синқари қўраги қам бўм-бўш, шип-шиқдам. Осмонда тўда-тўда бўлиб қониллаётган қарғиларнинг қалвасали қониллаши синқари Шамси Салох қўраги қам қўрқинқили ва вақимали. Унинг қалби қўруқ хою қаваслар, ёлқон, қирқанч, қонинсоний қўносабатлар туфайли қабристонга айланган. Қондаги қўрқин қонди, ақлида, Шамси Салохнинг қарғили, қўрқинли қиятларига ишора бераётгандек. Қўжум қарақти шонқиди ўтирган қарқанинг Шамси Салох устига қажас ташлаб қетиши қам бейқиз тасвирланмаган. Қарқий маънода қабри қарга ақлати билан тақдир қонидан қўқофотланади. Бу қўқофот Шамси Салохнинг Муаззам қонқиди қарғили мақсадлари, қижаларига қойиқ ва қўносиб тарзда белқиланган. Бизнингча, асар қонқиди Шамси Салох Муаззам учун қонқий бақт,

умуман, инсон хис-туйгулари учун тозалик ва самимийликнинг нақадар муҳимлигини англаб етади. Бу мағлубият унга қанчалик оғир ботмасин, ночор кишлок шароитида яшаса-да, ўзида яшашга, меҳнат қилишга, қулишга, ўзини бахтли санашга қуч топа олаётган Муаззам ва Отақулнинг бахтиёрона, масрурона ҳаётини қузатиб, хатоларини англаб етади. Унинг исмидаги Шамс – офтоб, қуёш маъносини англатади. Афсуски, Шамси Салоҳ ўз исмидаги чуқур маънога зид равишда Муаззам ва Отақул орасига нур, ёруғлик, эзгулик сочиш ўрнига, уларнинг ўртасига совуқчилик туширади. Муаззам – сўзи эса улкан, катта маъноларини англатади. Асар қахрамони Муаззам оғир шароитда, ўз истаклари ва хоҳишларидан қечиқ бўлса-да, оила, фарзанд бахти учун ўзини фидо этган ўзбек аёлининг рамзий тимсоли.

Бугунги ўзбек ҳикоя ва қиссачилигини кўздан қечириш натижасида, ҳатто назарий қолипларга тушмайдиган, гайриодатий услуб, гайриоддий образларга дуч келамиз. Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссаси қахрамони Шамси Салоҳ нутқида узундан-уzun монолог-орзулар учрайди. Хуршид Дўстмухаммаднинг “Сўрок” қиссаси қахрамони Бозор нутқида эса монолог-ҳаёлий-суҳбат кўзга ташланади. Нутқ типлари бўйича жиддий изланишлар олиб борган адабиётшунос Йўлдош Солижонов монологнинг мазкур типини монолог-диалог деб атайди. Бизнингча, бу термин унчалик тўғри ишлатилмаяпти. Сабаби, диалог, албатта, иккита шахс ўртасида қечадиган мулоқот тури. Аммо монолог-ҳаёлий-суҳбатда реал шахс бўлмайди. Балки қахрамон ҳаёлан маъшуқаси, дўсти, рақиби, онаси ё қим биландир ёки ўз-ўзи билан бахшлашади.

Сўнги ўн йилликлар ўзбек ҳикоя ва қиссачилиги шакл ва мазмун эътибори билан бадий (бадий услубда, бадий образда, бадий тасвирий воситаларда) ва, шунингдек, эстетик янгилишлар (аксар ўзбек ҳикояларида қомиллик, ҳалоллик, маърифатпарварлик – эстетик идеал сифатида намоён бўлмоқда) қилганлигини яққол қузатишимиз мумкин. Хуллас, ҳозирги ўзбек ҳикоя ва қиссачилигига ҳос бадий-эстетик янгилишларни илмий асосда ўрганиш, таҳлил этиш, бугунги адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб масаладир.